O'zDSt 36.2002 :2015

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълимининг давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

***230000-Иқтисод* таълим соҳасининг давлат таълим стандарти**

Расмий нашр

ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТАНДАРТ УЗБЕКИСТАНА

Государственные образовательные стандарты непрерывного образования Республики Узбекистан

Государственный образовательный стандарт высшего образования

Государственный образовательный стандарт для области образования *230000-Экономика*

Издание официальное

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент

O'zDSt 36.2002 :2015

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълимининг давлат таълим стандартлари

Олий таълимнинг давлат таълим стандарти

***230000- Иқтисод* таълим соҳасининг давлат таълим стандарти**

Расмий нашр

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент

СЎЗ БОШИ

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини Ривожлантириш маркази.
- Тошкент давлат иқтисодиёт университети;
- Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси;
- Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети;
- Тошкент молия институти;
- Тошкент давлат шарқшунослик институти;
- Олий ҳарбий божхона институти.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил «21» августа даги 303 - сонли буйруғи.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги.

4. ИЛК БОР КИРИТИЛИШИ

Мазкур стандарт Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалда қўлланилиши (амал қилишининг тўхтатилиши) ва унга ўзгартиришлар киритилиши тўғрисидаги маълумотлар «Ўзстандарт» агентлиги томонидан нашр этилувчи кўрсаткичларда чоп этилади.

Мазкур стандартни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
	Кириш	1
I.	***230000-Иқтисод* таълимсоҳасининг умумий таснифи**	1
1.1.	Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари	2
1.2.	Қўлланиш соҳаси	3
1.3.	Атамалар, таърифлар, қисқартмалар	4
1.4.	*230000-Иқтисод* таълим соҳаси битирувчиларининг касбий фаолиятлари таснифи	4
	1-қисм	
II.	***230000-Иқтисод* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**	8
2.1.	*230000-Иқтисод* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчиларига қўйиладиган умумий малака талаблари	8
2.2.	*230000-Иқтисод* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчилари касбий фаолиятининг асосий турларига умумий малака талаблар.....	8
2.3.	*230000-Иқтисод* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари малака амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар.....	10
2.4.	*230000-Иқтисод* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчиларининг битирув малакавий ишига қўйиладиган талаблар.....	11
III.	***230000- Иқтисод* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режалари тузилмаси**.....	11
3.1.	*230000-Иқтисод* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режалари ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	11
3.2.	Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар.....	12
3.3.	*230000-Иқтисод* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режасидаги юклама ҳажми	13
	2-қисм	
IV.	***230000-Иқтисод* таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари битирувчиларининг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**	14
4.1.	*230000-Иқтисод* таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари битирувчиларига қўйиладиган умумий малака талаблари	14
4.2.	*230000-Иқтисод* таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари битирувчилари касбий фаолиятининг асосий турларига қўйиладиган умумий малака талаблари.....	14
4.3.	*230000-Иқтисод* таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари малака	

амалиётларига қўйиладиган талаблар..... 17

4.4. *230000-Иқтисод* таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари битирувчиларининг магистрлик диссертациясига қўйиладиган талаблар..... 18

V. *230000-Иқтисод* таълим соҳасибўйича магистратура мутахассисликлари ўқув режалари тузилмаси..... 18

5.1. *230000-Иқтисод* таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари ўқув режалари ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар..... 18

5.2. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар..... 19

5.3. *230000-Иқтисод* таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари ўқув режасидаги юклама ҳажми..... 20

VI. *230000-Иқтисод* таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш 21

6.1. *230000-Иқтисод* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари профессор-ўқитувчилари таркибига қўйиладиган умумий талаблар..... 21

6.2. ОТМ моддий-техник базасига қўйиладиган минимал талаблар 21

6.3. *230000-Иқтисод* таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш 22

Эслатма 22

Иловалар 23

O'zDSt 36.2002:2015

ЎЗБЕКИСТОНДАВЛАТ СТАНДАРТИ

Ўзбекистон Республикаси узлуксиз таълимининг давлат таълим стандартлари
Олий таълимнинг давлат таълим стандарти
***230000- Иқтисод* таълим соҳасининг давлат таълим стандарти**

Государственные образовательные стандарты непрерывного образования Республики Узбекистан
Государственный образовательный стандарт высшего образования
Государственный образовательный стандарт для области образования
230000-Экономика

State Educational Standards of Continuous Education of Uzbekistan
State Educational Standards of Higher Education
State Educational Standard on the level of bachelors of
230000-Economics

Амал қилиш муддати 2015 йил «03» 11 дан

Кириш

230000-Иқтисод таълим соҳаси давлат таълим стандарти Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли қарори ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

230000-Иқтисод таълим соҳаси давлат таълим стандарти (ДТС) ўқув жараёнини, таълим муассасалари фаолиятини, кадрлар, дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш сифатини баҳолашни тартибга солувчи тегишли норматив ҳужжатлар: бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, ўқув режалари, фанлар дастурлари ва бошқаларни яратиш учун асос ҳисобланади.

I. *230000-Иқтисод* таълим соҳасининг умумий таснифи

230000-Иқтисод таълим соҳасининг муайян бакалавриат таълим йўналишлари бўйича бакалаврлар тайёрлаш олий таълимнинг малака талаблари, ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади. Фан дастурларининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» даражаси ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати, ўқиш шакли ва мос даражаси 1-жадвалда келтирилган.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
5917 son bilan
«30» 10 2015 yilda
Davlat ro'yxatiga olindi

1-жадвал

Ўқув режа ва фан дастурининг муддати, ўқиш шакли ва битирувчиларнинг малака (даража)си

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака даражаси	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Муайян бакалавриат таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурлари	Бакалавр	4-5 йил

230000-Иқтисод таълим соҳасининг муайян магистратура мутахассисликлари бўйича магистрлар тайёрлаш олий таълимнинг малака талаблари, ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади. Фан дастурларининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, магистрлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «магистр» даражаси ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати, ўқиш шакли ва мос даражаси 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Ўқув режа ва фан дастурининг муддати, ўқиш шакли ва битирувчиларнинг малака (даража)си

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака даражаси	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Муайян магистратура мутахассислигининг ўқув режа ва фан дастурлари	Магистр	2 йил

1.1. Давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш асослари

Мазкур таълим соҳаси учун давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда қуйидаги ҳужжатларга асосланилди.

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент, 1997 йил 29 август, №463-1.

2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». Тошкент, 1997 йил 29 август, №463-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5-сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 20 июлидаги 341-сонли қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги "Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1533-сонли қарори.

O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, SIFAT
MAHSULOT METROLOGIYASI
TEXNIKA TEKSHIRUVI

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сонли фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1875-сонли қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги "Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 365-сонли қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги "Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида"ги 371-сонли қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 26 мартдаги "Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-1942-сонли қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида» 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар ҳақида"ги 3-сонли қарори.

1.2. Қўлланиш соҳаси

Мазкур ДТС ***230000-Иқтисод*** **таълим соҳаси бўйича** олий маълумотли бакалавр (магистр)лар тайёрловчи Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги олий таълим муассасалари учун умумий талаблар мажмуини ифодалайди.

Олий таълим муассасаси ***230000-Иқтисод*** **таълим соҳаси бўйича** кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда ушбу ДТС ва малака талаблари асосида тайёрланган ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

ДТСнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

– таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берувчи олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи идоралар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим соҳаси (таркиби)нинг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлардан бирини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар (бакалаврлар) ва бошқа манфаатдорлар;

– абитуриентлар, ота-оналар ва бошқа манфаатдор шахслар.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATI, MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

1.3. Атамалар, таърифлар, қисқартмалар

Мазкур ДТСда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда олий таълим соҳасидаги халқаро ҳужжатларга мос равишда қуйидаги атамалар ва таърифлардан фойдаланилган:

касбий фаолият тури – таълим йўналишига ўзгартишлар киритиш мақсадида касбий фаолият объектига таъсир қилишнинг усуллари, услублари ва тавсифи;

компетенция – тегишли соҳада касбий фаолият юритиш учун зарур бўлган билим, кўникма, малака ва шахсий сифатлар мажмуи;

модуль – тарбиялаш ва ўқитишга йўналтирилган мақсадлар ва натижаларга нисбатан муайян мантиқий тугалланганликка эга бўлган ўқув фани (курси) ёки ўқув фанлари (курслари)нинг маълум бир қисми;

касбий фаолият объекти – предметлар, воқеликлар, жараёнлар ва фаолият доирасида ҳаракатга йўналтирилган тизимлар;

касбий фаолият соҳаси – илмий, ижтимоий, иқтисодий, ишлаб чиқаришда намоён бўладиган касбий фаолият объектларининг мажмуи;

профиль – таълим дастурининг аниқ касбий фаолиятнинг муайян тури ёки объектига йўналганлиги;

ДТС - Давлат таълим стандарти;

АРМ - ахборот ресурс маркази;

ИТИ - илмий тадқиқот институтлари;

ОТМ - олий таълим муассасаси.

1.4. *230000-Иқтисод* таълим соҳаси битирувчиларининг касбий фаолиятлари таснифи

230000-Иқтисод таълим соҳаси битирувчиларининг касбий фаолиятлари таснифида бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари битирувчиларининг касбий фаолиятлари:

соҳалари;

объектлари;

асосий турлари;

ҳамда *касбий мослашув ва таълимни давом эттириш имкониятлари* келтирилади.

Бакалавриат таълим йўналишлари битирувчиларининг касбий фаолиятлари соҳалари:

- бозор иқтисодиёти қонуниятлари ва тамойиллари, иқтисодий категориялар ва атамалар мазмун-моҳияти, жаҳон хўжалиги ва миллий иқтисодиётнинг умумий ривожланиш тамойиллари ва тенденцияларини ўрганиш ва таҳлил этишнинг замонавий усул ва услубларини қўллаш, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча иқтисодий тузилмаларда мамлакат ҳудудида ва ундан ташқарида давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятини самарали ташкил этиш ва бошқаришга йўналтирилган комплекс масалаларни ечиш;

- иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида иқтисодий хизмат бўлинмаларини ташкил этиш, ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш ресурсларини режалаштириш ва улардан самарали фойдаланиш тамойилларини қўллаш, иқтисодий ривожлантириш бўйича тадқиқотлар ўтказиш, меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш фаолиятини олиб бориш;

- иқтисодий хавфсизликни таъминлашда иштирок этиш;

- иқтисодиётда ишлаб чиқариш жараёнларини оптималлаштириш;

- инфратузилма объектларини ташкил этиш ва уларни бошқариш ҳамда уларнинг таркибига кирувчи объектлардаги иқтисодий жараёнларга йўналтирилган комплекс масалаларни ечиш;

- касбий фаолиятида техник воситалардан оқилона фойдаланиш усул ва услублари йиғиндисини ўз ичига олади.

Соҳа бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришлар муайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.

Магистратура мутахассисликлари битирувчиларининг касбий фаолиятлари соҳалари:

- тегишли бакалавриат таълим йўналишлари битирувчиларининг касбий фаолият соҳалари;

- олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш; Ўзбекистон Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтларида, вазирликлар, реал сектор корхоналари ва хизмат кўрсатиш объектларида, турли мулкчилик шаклидаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида, нодавлат ва нотижорат ташкилотларида иқтисодий муаммолар бўйича асосий вазифаларни ҳал қилишга йўналтирилган комплекс масалаларни ечиш;

- илмий тадқиқот методикасини билиш, тадқиқот натижаларини таҳлил этиш ва қайта ишлаш методикасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, илмий тадқиқот натижаларидан фаолиятнинг тегишли соҳаларида фойдаланишга доир амалий тавсияларни ифодалай олиш ва тақдим этиш;

- мутахассисликка оид илмий муаммолар билан боғлиқ вазифаларни ифодалаш ва ҳал этиш, муқобил иқтисодий қарорлар қабул қилиш, зарур билимлар базасини яратиш ва ундан ўз касб фаолиятида фойдаланиш каби комплекс масалаларни ечиш.

Соҳа бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришларни муайян мутахассисликларнинг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.

Бакалавриат таълим йўналишлари битирувчиларининг касбий фаолияти асосий объектлари:

- иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тизимидаги жараёнлар;

- иқтисодий жараёнларни ташкил этиш, тартибга солиш, бошқариш, иқтисодий таҳлил, бизнесни режалаштириш, техник-иқтисодий асосномалар, лойиҳалар, ресурслар, воситалар;

- жамият, иқтисодиёт, тадбиркорлик фаолияти, ижтимоий инфратузилмалар;

- иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари корхона ва ташкилотларининг бошқарув тизимлари;

- илмий тадқиқот жараёни.

Соҳа бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришларни муайян таълим йўналишларининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.

Магистратура битирувчиларининг касбий фаолиятлари объектлари:

- иқтисодиёт ва ижтимоий соҳа тизимидаги жараёнлар;

- иқтисодий жараёнларни ташкил этиш, тартибга солиш, бошқариш, иқтисодий таҳлил, бизнесни режалаштириш, техник-иқтисодий асосномалар, лойиҳалар, ресурслар, воситалар;

- жамият, иқтисодиёт, тадбиркорлик фаолияти, ижтимоий инфратузилмалар;

- иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари корхона ва ташкилотларининг бошқарув тизимлари;

- илмий тадқиқот жараёни;
- қўшимча равишда олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларидаги ўқув жараёни.

Соҳа бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда магистрларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин. Бўлиши мумкин бўлган қўшимча ва ўзгаришларни муайян мутахассисликларнинг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиниши назарда тутилади.

Бакалавриат таълим йўналишлари битирувчилари касбий фаолиятининг асосий турлари:

- *молиявий-иқтисодий;*
- *ҳисоб, таҳлил ва назорат;*
- *ташкилий-бошқарув;*
- *ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;*
- *илмий тадқиқот;*
- *лойиҳа-технологик;*
- *сервис хизмати;*
- *ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида педагогик (касбий таълим йўналишлари учун)* ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Таълим соҳаси йўналишлари бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

Магистратура мутахассисликлари битирувчилари касбий фаолиятининг асосий турлари:

- *молиявий-иқтисодий;*
- *ҳисоб, таҳлил ва назорат;*
- *ташкилий-бошқарув;*
- *ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш;*
- *илмий тадқиқот;*
- *лойиҳа-технологик;*
- *сервис хизмати;*
- *олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида педагогик (ўрнатилган тартибда);*
- *консалтинг хизмати* ва шу кабиларни ўз ичига олади.

Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари битирувчиларининг касбий мослашув имкониятлари:

Бакалавр:

Битирувчилар педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларни ўқитиш имкониятига эга бўлади.

Магистр:

Битирувчилар олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот институтларида турдош фанлар бўйича илмий-педагогик фаолият юритиш имкониятига эга бўладилар.

Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассислиги битирувчиларининг таълимни давом эттириш имкониятлари:

Бакалавр:

230000-Иқтисод таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишлари негизидаги мос магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, SIFAT
MAHSULOTINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

Шунингдек, ўрнатилган тартибда олий ўқув юртларидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талабларига мувофиқ мустақил изланувчилик асосида илмий тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

Магистр:

Магистратура мутахассисликлари битирувчилари магистр даражасини олгандан сўнг олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасаларига олий ўқув юртларидан кейинги таълимга қўйиладиган давлат талаблари асосида катта илмий ходимлар-изланувчилар институтида ёки мустақил изланувчилик асосида илмий тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

1-ҚИСМ

II. *230000-Иқтисод* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчиларининг соҳа бўйича тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. *230000-Иқтисод* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчиларига қўйиладиган умумий малака талаблари

230000-Иқтисод таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчиларига қўйилган умумий малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли қарори билан тасдиқланган "Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар" 6.1-бандида белгиланган умумий малака талабларига мувофиқ белгиланади.

2.2. *230000-Иқтисод* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчилари касбий фаолиятининг асосий турларига қўйиладиган умумий малака талаблар

Молиявий-иқтисодий фаолиятда:

- давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ҳамда улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;
- иқтисодиёт субъектлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини қўллаш;
- иқтисодиёт субъектларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:

- иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари бўйича маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;
- иқтисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона ва ташкилотлар фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;
- иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари бўйича ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш;
- таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдаланиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларига тегишли технология ва техник воситалардан фойдаланишнинг самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш ва баҳолаш;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий ва меҳнат ресурсларини режалаштириш;
- замонавий ахборот технологиялар тизимларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, техника хавфсизлиги талаблари асосида иқтисодий жараёнларни мониторинг қилиш;
- соҳага оид муаммоларни ечимини топиш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бирламчи ишлаб чиқариш ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- иқтисодиёт реал сектор корхоналари фаолиятини режалаштиришда иштирок этиш;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида таълим йўналишига мос равишда хизматларни ташкил этиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган жараёнлар ва ресурсларни режалаштириш;
- иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида самарали ва ресурс тежамкор фаолиятни ташкил этиш;
- ишлаб чиқариш жараёнлари ва иқтисодий тадбирларнинг бажарилиш сифатини назорат қилиш;
- замонавий ахборот технологиялари, компьютер техникалари ва коммуникацион воситаларни амалиётда кенг қўллаш;
- илғор технологик жараёнларни қўллаш;
- илмий асосланган тизимларни қўллаш ва тавсияномалар бериш;
- янги самарали технологияларни ишлаб чиқиш ва оқилона фойдаланиш;
- табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги қоидаларини таъминлаш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

Илмий тадқиқот фаолиятида:

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- муаммоларни ҳал этишга ва қарор қабул қилишга тайёргарлик, билимларни амалиётда қўллаш, иш самарадорлиги ва сифатига жавобгарлик;
- республика ва хорижда чоп этилган иқтисодиёт соҳасига оид илмий-амалий ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш;
- илмий тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;
- мавзу (топшириқ) бўйича илмий маълумотларни йиғиш, ишлов бериш, таҳлил қилиш ва олинган маълумотларни тизимлаштиришда иштирок этиш;
- илмий тадқиқот натижаларини ва ишланмаларни амалиётга тадбиқ этишда қатнашиш;
- илмий тадқиқот институтлари ва илмий марказларда экспериментал тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларига ишлов бериш, баҳолаш ва бошқа касбий фаолият турларини бажаришда иштирок этиш;
- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- республика ва хорижда чоп этилган илмий-иқтисодий ахборотларнинг илмий манбаларини ўрганиш; илмий тадқиқот ишларини бажаришда бевосита иштирок этиш;
- интернет тармоғида соҳага тегишли энг янги илмий, технологик ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналтирилган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий семинарлар, илмий-амалий анжуманлар ташкил этишда иштирок этиш;
- илмий тадқиқот ва ишлаб чиқариш жамоаси таркибида (тайёрланганлик профилига мос равишда) касбий фаолият масалаларини ечиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

Лойиҳа-технологик фаолиятида:

- тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- фаолият натижаларини таҳлил ва синтез қилиш, ташкил этиш ва режалаштириш, баҳолаш, фундаментал, умумкасбий ва амалий билимлардан фойдаланиш қобилияти ва уларга тайёргарлик;

- мустақил ишлаш қобилияти, иш жараёнларини идентификациялаш ва моделлаштириш, бошқариш ва сифатини яхшилаш учун билим ва маҳоратдан фойдаланиш;
- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий услубларини, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда **қўллаш *қобилиятларига эга бўлиши керак.***

Сервис хизмати кўрсатиш фаолиятида:
- хизмат кўрсатиш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий хужжатлардан фойдалана олиш;
- тегишли соҳа бўйича сервис хизмати кўрсатиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

Ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида педагогик фаолиятида (касб таълими йўналишлари учун):
- ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш;
- ўқув фанларини ўқитиш услубиятини эгаллаш;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур ўқув-услубий ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги услублар, воситалар ва шакллар тизимида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

2.3. *230000-Иқтисод* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари малака амалиётларига қўйиладиган умумий талаблар

Амалиётлар бакалавриат таълим дастурининг мажбурий қисми ҳисобланади. Амалиётлар танишув ва ишлаб чиқариш жараёнларида иштирок этиш шаклида бўлиб, талабаларнинг касбий-амалий тайёргарлигига бевосита йўналтирилган бўлади. Бакалаврлар тайёрлашда қуйидаги малака амалиётлари ўтказилади:

ишлаб чиқариш амалиёти – мутахассислик фанлардан назарий билимларини бевосита мустаҳкамлаш учун ўтказилади ва тегишли ишлаб чиқариш жараёнларидаги технологияларни бажариш, меҳнатни ташкил этиш ҳамда ишлаб чиқаришни бошқариш кўникмалари ҳосил бўлади;

битирув олди амалиёти – битирув малакавий ишни тайёрлаш учун маълумот тўплаш ва тизимлаштиришга мўлжалланган.

Касб таълими йўналишлари учун педагогик амалиёт касб-ҳунар таълими муассасаларида психологик ресурсларини ўрганиш, ўқувчининг шахс портретини туза билиш, ўқув гуруҳи ичида социометрия ўтказа олиш, педагогик маҳоратини ошириш, ўқувчининг фикрлаш доирасини аниқлаш, унинг қобилиятини ошириш усулларини қўллай билиш, педагогик мулоқотни баҳолай билиш ва шулар асосида ўз педагогик меҳнат фаолияти учун дастур ярата билиш кўникмаларини эгаллашга мўлжалланган.

Малака амалиётини ташкил этиш талаблари:

Ҳар бир амалиёт тури ОТМ томонидан ишлаб чиқилган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланган дастурга мувофиқ ўтказилади.

Амалиёт ўтказиш муддатлари ишчи ўқув режаси билан аниқланади. Амалиёт тугагандан сўнг, комиссия олдида ҳисобот берилади. Баҳолаш шакли амалиёт дастурида белгиланади.

Талабаларнинг илмий-тадқиқот иши малака амалиётининг бир бўлагини ташкил қилиши мумкин. Илмий-тадқиқот иши битирувчиларда касбий компетенцияларни

шакллантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади. У талабани 6-семестрда кафедранинг илмий ишида албатта иштирок этишини, курс ишларини ихтисосликнинг базавий фанлари мавзуси бўйича бажарилиши ва ҳимоя қилинишини, талабанинг талабалар илмий жамияти йўналиши бўйича илмий ишда иштирок этишини ва битирув малакавий ишини кафедранинг илмий мавзуси бўйича бажарилишини назоратда тутади.

Талабалар илмий-тадқиқот ишининг ташкил қилинишида қуйидагилар билан таъминланиши керак:

- кафедра тадқиқотларининг ҳар йили янгиланадиган мавзулари ҳақида талабаларни ўз вақтида хабардор қилиш;
- мутахассис чиқарувчи факультет (кафедра)нинг илмий мавзуси бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариши учун лабораторияларда талабаларни иш жойи билан таъминлаш;
- ОТМнинг Ахборот-ресурс марказида мустақил илмий-тадқиқот ишини олиб бориш имкониятини тақдим этиш;
- талабалар илмий жамиятининг конференцияларини ташкил этиш;
- талабалар илмий конференцияси ғолибларига мамлакатнинг бошқа ОТМларига илмий маърузалар билан чиқиш имкониятларини тақдим этиш.

Ишлаб чиқариш ва битирув малакавий иши олди амалиётлари иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари, реал сектор корхоналари, хорижий ва қўшма корхоналар, инфратузилмавий ташкилот ва корхоналар, тармоқ илмий-тадқиқот институтлари, илмий-ишлаб чиқариш марказларида, давлат ва нодавлат илмий муассасаларида ўтказилади.

2.4. *230000-Иқтисод* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчиларининг битирув малакавий ишига қўйиладиган талаблар

Талабаларнинг битирув малакавий иши мавзуси ОТМ буйруғи билан расмийлаштирилади.

Битирув малакавий иш мавзулари соҳанинг ривожланиш истиқболи ва фан, таълим, техника, технология, иқтисодиётдаги замонавий ютуқлар ҳамда кадрлар буюртмачиларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда олий таълим муассасасининг бакалаврлар тайёрловчи кафедраси томонидан белгиланади.

Битирув малакавий иши мавзулари назарий (рефератив) ёки илмий-тадқиқот йўналишида бўлиши ҳам мумкин.

Битирув малакавий иши топшириғи, одатда талабаларга учинчи курс тугатганидан кейин берилади. Битирув малакавий иши умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўзлаштирганлик даражаси бўйича тўртинчи курсда, шунингдек унинг бажарилиши учун ушбу стандарт томонидан белгиланган вақт давомида бажарилади.

Битирув малакавий ишининг ҳажми бакалаврлар тайёрловчи кафедра томонидан белгиланади.

Битирув малакавий ишининг мазмуни, ҳажми ва тузилмасига бўлган талаблар битирувчиларнинг якуний давлат аттестацияси ўтказиш ҳақидаги Низом асосида белгиланади.

III. *230000-Иқтисод* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалари тузилмаси

3.1. *230000-Иқтисод* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режалари ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

230000-Иқтисод таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режалари ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

AGENTLIGA STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISHVA AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI ... BOSHQARMASI

• гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий;
• математик ва табиий-илмий;
• умумкасбий;
• ихтисослик;
• қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режалари ва фанлар дастурини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масала ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналишлари унинг ўқув режаларига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

3.2. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Математик ва табиий-илмий фанлар блоки:

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда математик усуллар, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларини билишнинг иқтисодиёт соҳасидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

иқтисод таълим соҳаси учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

коинотнинг табиий объект эканлиги ва ва унинг эволюцияси ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши лозим.

Умумкасбий фанлар блоки:

математик ва табиий-илмий фанлар билан иқтисодиёт таълим йўналишларидаги иқтисодий фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

иқтисод таълим йўналишларидаги ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва уқувларни шакллантириши;

моделли тасаввурларни, тажриба усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш йўриқларига оид билимларни амалда қўллаш кўникмаларини таъминлаши лозим.

Ихтисослик фанлар блоки:

иқтисод соҳасидаги бакалавриат таълим йўналишлари бўйича касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

иқтисод соҳасидаги бакалавриат таълим йўналишлари бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва уқувларини шакллантириши;

иқтисод соҳасидаги магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга замин яратиши лозим.

Қўшимча фанлар блоки:

иқтисод соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда иқтисодиёт соҳасидаги бакалавриат таълим йўналишлари бўйича таълим дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминлаши лозим.

3.3.*230000- Иқтисод* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати:

тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта;

беш йил бўлган ҳолда 256 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

- назарий таълим - 63 - 70%;
- аттестация - 8 - 10 %;
- таътил -12 - 16 %;
- малака амалиёти - 6 - 12 %;
- битирув малакавий иши - 2-3%.

Назарий таълим ҳажми "Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ" билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар 15 - 20 %;

математик ва табиий-илмий фанлар10 - 15%;

умумкасбий фанлар 50 - 55%;

ихтисослик фанлар 10 - 15%;

қўшимча фанлар 5 - 7 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

2-ҚИСМ

IV. *230000-Иқтисод* таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари битирувчиларининг соҳа бўйича тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

4.1. *230000-Иқтисод* таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари битирувчиларига қўйиладиган умумий малака талаблари

230000-Иқтисод таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчиларига қўйилган умумий малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли қарори билан тасдиқланган "Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар" 6.2.-бандида белгиланган умумий малака талабларига мувофиқ белгиланади.

4.2. *230000-Иқтисод* таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари битирувчилари касбий фаолиятининг асосий турларига қўйиладиган умумий малака талаблари

Илмий-педагогик ишга талаблар

Илмий-педагогик иш ОТМ ва малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида ўтказилади. Шунингдек, мутахассислигига мос ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасасида ҳам ўтказилиши мумкин. Илмий-педагогик иш икки томонлама ва бошқа битимлар асосида хориж мамлакатлари олий таълим муассасаларида ҳам ўтказилиши мумкин.

Илмий-педагогик иш:

иқтисодиёт соҳасидаги магистратура мутахассислик фанлари бўйича машғулотларнинг ҳар хил турлари: маърузалар, лаборатория ишлари, амалий ва бошқа машғулотларни ўтказиш бўйича стажировка;

маъруза матнлари ва машғулотларни ўтказиш режаларини тузиш;

янги педагогик ва ахборот технологияларни ўрганиш ва қўллаш;

талабалар билимини баҳолашда рейтинг-назорат тизимини қўллаш;

талабалар мустақил ишини ташкилий ва ўқув-методик таъминлашни ўрганиш;

услубий кўрсатмаларни тузиш;

тарбиявий ишларни ўтказишни назарда тутади.

Илмий тадқиқот ишига талаблар

Илмий тадқиқот иши ОТМнинг илмий тадқиқот лабораторияларида, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг ва иқтисодиёт соҳасидаги илмий тадқиқот институтларида, корхона ва ташкилотларнинг тадқиқот бўлинмаларида ўтказилади.

Илмий-методик иш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги таълим муассасаларининг кафедралари, илмий тадқиқот институтларида ўтказилади.

Илмий тадқиқот (ёки илмий-техникавий) ишларни таълим муассасаларида, илмий марказларда, чет эл мамлакатларининг корхона ва ташкилотларида икки томонлама ёки бошқа битимлар асосида ўтказишга рухсат этилади.

Илмий тадқиқот ишининг ҳажми, ташкилий ва илмий-методик таъминланиши кадрлар буюртмачиларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрловчи кафедра томонидан ишланган дастурда белгиланади.

Илмий тадқиқот иши:

иқтисодиёт соҳасидаги магистратура мутахассисликлари бўйича объектлар ва жараёнларнинг намунавий моделлари ва уларни татқиқ қилиш методикаларини ўрганиш;

экспериментал тадқиқотларни бажаришда қўлланиладиган стендлар, замонавий аппаратуралар ва бошқа жиҳозларни ўрганиш ва баён қилиш;

экспериментал тадқиқотларни ўтказиш;

O'ZSTANDART AGENTLIGA
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
IRTIX ETLAH BOSHQARMASI

экспериментал тадқиқотлар натижаларига ишлов бериш, уларни таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

иқтисодиёт соҳасидаги амалий дастурлар пакети ва маълумотлар базаларини тузишни назарда тутади.

Илмий-методик иш:

иқтисодиёт соҳасидаги мутахассисликлари илмий-методик мавзуси бўйича илмий тадқиқотларни ўтказиш, ҳолатини таҳлил қилиш;

ўрганилаётган мавзу бўйича ўқув мақсадларини шакллантириш;

мавзу бўйича ўқитишни технологиялаштириш вариантларини кўриб чиқиш ва аниқ вариантини танлаш;

аниқ вариант бўйича ўқитиш технологиясини ишлаб чиқиш;

талабаларни ўқитадиган ва уларнинг билимини назорат қиладиган автоматлаштирилган дастурларни ишлаб чиқиш;

ўқув жараёнида ҳамда талабаларнинг ўқув-илмий тадқиқотларида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланишни назарда тутади.

Молиявий-иқтисодий фаолиятда:

- давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиши ҳамда улардан ўз фаолиятида фойдалана олиш;
- иқтисодиёт субъектлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини қўллаш;
- иқтисодиёт субъектларининг молиявий барқарорлигини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:

- иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари бўйича маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиш;
- иқтисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш;
- мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона ва ташкилотлар фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиш;
- иқтисодиёт тармоқ ва соҳалари бўйича ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаш;
- таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдаланиш ***қобилиятларига эга бўлиши лозим.***

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- e-learning ва m-learning технологиялари асосида тармоқ соҳасида корпоратив ўқитишни ташкил қилиш ва корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш;
- иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларига тегишли технология ва техник воситалардан фойдаланишнинг самарадорлиги кўрсаткичларини ҳисоблаш ва баҳолаш;
- ишлаб чиқариш ва ижтимоий жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий ва меҳнат ресурсларини режалаштириш;
- замонавий ахборот технологиялар тизимларидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги, техника хавфсизлиги талаблари асосида иқтисодий жараёнларни мониторинг қилиш;
- соҳага оид муаммоларни ечимини топиш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- фикрлар ҳар хил бўлган шароитда бошқарув қарорини қабул қилиш;
- бирламчи ишлаб чиқариш ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- иқтисодиёт реал сектор корхоналари фаолиятини режалаштиришда иштирок этиш;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида таълим йўналишига мос равишда хизматларни ташкил этиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини амалга ошириш учун зарур бўлган жараёнлар ва ресурсларни режалаштириш;
- иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларида самарали ва ресурс тежамкор фаолиятни ташкил этиш;
- ишлаб чиқариш жараёнлари ва иқтисодий тадбирларнинг бажарилиш сифатини назорат қилиш;
- замонавий ахборот технологиялари, компьютер техникалари ва коммуникацион воситаларни амалиётда кенг қўллаш;
- илғор технологик жараёнларни қўллаш;
- илмий асосланган тизимларни қўллаш ва тавсияномалар бериш;
- янги самарали технологияларни ишлаб чиқиш ва оқилона фойдаланиш;
- табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва ҳаёт фаолияти хавфсизлиги қоидаларини таъминлаш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

Илмий тадқиқот фаолиятида:

- манбаларга асосланган ҳолда, инновацион ва фундаментал тадқиқотлар олиб бориш, соҳанинг назарий ва амалий муаммоларини билиш, давр учун долзарб, ҳал этилиши лозим бўлган ва такомиллаштириш талаб этиладиган йўналишларга доир мавзуларни аниқлай олиш;
- илмий тадқиқотларни ўтказиш ва янги илмий ҳамда амалий натижаларни олиш;
- замонавий тадқиқот методлари ва методологияси, иқтисодиёт соҳаларига доир назариялар, концепциялар, илғор тажрибалардан фойдаланиш;
- мутахассисликка мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ва илмий тадқиқот лойиҳаларини таҳлил қилиши;
- ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиши, реферат ва библиографияларни тузиши;
- илмий мавзуларга мос журналларга мақолалар тайёрлаш;
- илмий муаммоларни ҳал этишнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиш;
- илмий тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий тадқиқот ютуқларини ўрганади;
- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашади;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш;
- илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

Лойиҳа-технологик фаолиятида:

- тегишли магистратура мутахассисликлари бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиш;
- бажарилаётган лойиҳавий-технологик ишлар мавзуси бўйича математик, информацион ва амалий тадбирлар ишлаб чиқиш;
- фаолият натижаларини таҳлил ва синтез қилиш, ташкил этиш ва режалаштириш, баҳолаш, фундаментал, умумкасбий ва амалий билимлардан фойдаланиш;

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, BIYLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISHGA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI

- мустақил ишлаш қобилияти, иш жараёнларини идентификациялаш ва моделлаштириш, бошқариш ва сифатини яхшилаш учун билим ва маҳоратдан фойдаланиш;
- лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- ихтисослигига мос равишда халқаро ва касбий стандартлаштиришнинг замонавий услубларини, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини қўллаш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

Сервис хизмати кўрсатиш фаолиятида:

- хизмат кўрсатиш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиш;
- ахборотларни излаш, таҳлил қилиш ва сақлашда ёрдам кўрсатиш;
- соҳадаги эришилган илғор фан-техника ютуқлари ва тажрибаларни иқтисодиёт соҳа ва тармоқ тизимларида тарғибот ишларини олиб бориш ва семинар-тренингларни ташкил этиш;
- мутахассислигига тегишли соҳа бўйича сервис хизмати кўрсатиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

Олий, малака ошириш ва қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида педагогик фаолиятда (белгиланган тартибда):

- ўқитиш методикасини эгаллаш;
- олий ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимининг таълим муассасаларида мутахаассислигига оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ноанъанавий ўқув машғулотларини ўтказиш;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур ўқув-услубий ҳужжатларни тузиши, тайёрлаш ва расмийлаштириш;
- ўқитилаётган фан бўйича ўқув машғулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш;
- мустақил таълим ва ижодий изланиш натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошқа соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;

иқтисодиёт соҳаси учун ДТС, Малака талаблари, Давлат талаблари ва бошқа ўқув-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

Консалтинг хизмати фаолиятида:

- иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларидаги мутахассислик бўйича мавжуд ҳолатнинг таҳлилий шарҳини ишлаб чиқиш;
- иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларидаги магистр мутахассислигига мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гуруҳларида иштирокчи сифатида қатнашиш;
- иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларидаги мутахассисликка мос мавзу бўйича консалтинг хизматларини кўрсатиш ***қобилиятларига эга бўлиши керак.***

4.3. *230000-Иқтисод* таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари малака амалиётларига қўйиладиган талаблар

Малака амалиёти зарур бўлган назарий билим асосида амалий кўникмаларни эгаллаш мақсадида иқтисодиёт тармоқ ва соҳаларига мос бўлган жойларда ўтказилади ҳамда қуйидагиларни:

кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва кадрлар тайёрлаш миллий модели ғояси ва мазмуни асосида амалга оширишни;

касбий фаолият бўйича барча турдаги кўникма ва малакаларни ўрганиш, дидактик ва амалиётга боғлиқ шароитларда татбиқ қилишни;

касбий фаолият давомида амалга ошириладиган жараёнларда иштирок этиш ҳамда ўз устида ишлашни;

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATI VA MUVOFIQLASHTIRISH
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI

иқтисодиёт соҳасига доир барча воситалар, усуллар ва замонавий технологияларни чуқур ўрганиш ва амалиётда мустақил қўллай олишни;

мутахассислик бўйича амалиётда қўлланиладиган барча турдаги ҳужжатларни замон талабларига асосан юритишни;

касбий фаолиятнинг илмий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларида фаол иштирок этишни *назарда тутади.*

4.4. *230000-Иқтисод* таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари битирувчиларининг магистрлик диссертациясига қўйиладиган умумий талаблар

Магистрлик диссертациясига бўлган талаблар амалдаги "Магистратура тўғрисида Низом"га мувофиқ тартибга солинади.

Магистрлик диссертацияси мавзулари олий таълим муассасалари кафедраларида кафедраларнинг профессор-ўқитувчилари таркиби, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий илмий муассасалари, тармоқ илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш муассасалари ходимлари томонидан шакллантирилади.

Магистрлик диссертацияларининг мавзулари, қоидага кўра, долзарб илмий-тадқиқот масалаларига ёки аниқ амалий вазифаларни ҳал этишга бағишланади.

Кафедралар томонидан тақдим этилган ва олий таълим муассасаси ёки факультет ўқув-методик кенгашида муҳокама қилинган магистратура талабаларининг магистрлик диссертациялари мавзулари ва уларнинг илмий раҳбарлари (илмий маслаҳатчилари) илмий ишлар бўйича проректор (директор ўринбосари) тақдимномасига асосан магистратура талабалари ўқиётган биринчи ўқув йилининг биринчи икки ойи ичида тегишли олий таълим муассасаси ректори (директори)нинг буйруғи билан тасдиқланади.

Магистрлик диссертациясига илмий раҳбарлик олий таълим муассасаларида ишлайдиган профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси илмий муассасалари олимлари, ташкилотларнинг илмий даража ёки унвонига эга бўлган юқори малакали ва тажрибали мутахассислари, шунингдек белгиланган тартибда магистрлик, илмий даражалар ёки илмий унвонларга эга бўлган хорижий мутахассислар томонидан амалга оширилади.

Магистрлик диссертациясининг тузилиши, ҳажми, мазмуни ва дастлабки ҳамда расмий ҳимояси тартиби "Магистратура тўғрисида Низом"га асосан ташкил этилади.

V. *230000-Иқтисод* таълим соҳаси бўйича магистратура мутахассисликлари ўқув режалари тузилмаси

5.1. *230000-Иқтисод* таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари ўқув режалари ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Магистратура мутахассисликлари ўқув режалари ва фанлар дастурлари бакалавриат таълим йўналишларининг ўқув режалари ва фанлар дастурлари билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабалар томонидан қуйидаги мажбурий блоклар ўзлаштирилишини назарда тутиши зарур:

умумметодологик фанлар;

мутахассислик фанлари;

илмий фаолият.

Ўқув режалар ва фанлар дастурлари мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режалар ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Магистратура мутахассисликлари унинг ўқув режаларига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси ва магистрлик диссертациясининг ҳимояси билан тугалланиши шарт.

ОТМлар ўқув режа ва фан дастурини фан, таълим, техника, тиббиёт, иқтисодиёт, технология ва ижтимоий соҳа ривожланишини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда шакллантириши ва янгилаб туриши лозим.

Ўқув режа ва фан дастурини ишлаб чиқишда ОТМ томонидан битирувчиларнинг умуммаданий компетенцияларини (ижтимоий ўзаро таъсир, ўз-ўзини ташкил қилиш ва бошқариш, тизимли фаолият тавсифидаги компетенцияларни) шакллантиришдаги имкониятлари аниқланган бўлиши керак. ОТМ ўзининг ижтимоий-маданий муҳитини шакллантириш ва шахснинг ҳар томонлама ривожланиши учун зарур шароитларни яратишга масъул.

Компетентли ёндашувни амалга ошириш, ўқув жараёнининг машғулотларини ташкил этишда фаол ва интерфаол (компьютер симуляторлари, ишбилармонлар ўйини, муайян вазиятларни кўриб чиқиш ва ҳ.к.) шаклларни ўтказишни, талабаларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш мақсадида аудиториядан ташқари иш билан бирга жаҳон педагогик амалиётида қўлланиладиган замонавий педагогик технологиялар, ўқитишнинг самарали стратегиялари, метод ва услубларини кенг қўллашни назарда тутиши керак.

Фанларнинг ўқув дастурларини шакллантиришда ОТМ талабаларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан таништиришга, талабалар учун танлов фан (модул, курс) лари мажбурий эканлигини тушунтириши керак.

Талабаларда билим, амалий малака ва кўникмаларни тўлиқ шакллантириш учун ўқув режа ва фан дастури ўқув фанлари (модуллари) бўйича лаборатория ишлари ва амалий машғулотларни қамраб олиши керак.

5.2. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

Умумметодологик фанлар блоки:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг магистратура мутахассисликлари ўқув режаларидаги умумметодологик фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Мутахассислик фанлари блоки:

муайян мутахассислик бўйича назарий ва амалий билимларни, ўқув ва кўникмаларни шакллантириши;

мутахассислик бўйича билимлар базасини яратиш, жамлаш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириши;

магистратура мутахассислиги бўйича илмий тадқиқот ишларини бажариш, касб фаолиятининг кўзланган натижаларига эришишда жараёнларни моделлаштириш ва тизимли ёндашиш борасидаги илмий билимлар, амалий маҳорат ва кўникмаларни таъминлаши керак.

Илмий фаолият блоки илмий тадқиқотлар методологияси ўзлаштирилишини, талабалар томонидан ихтисослашган илмий ва таълим муассасаларида иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида илмий тадқиқот ҳамда илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

Илмий фаолият: илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар бажарилишини назарда тутиши лозим.

Илмий тадқиқот ишлари:

мустақил тадқиқотчилик фаолиятининг амалий кўникмаларини ҳосил қилиши;

ахборот технологияларининг замонавий воситаларидан фойдаланиб илмий тадқиқотлар ўтказиш, тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва акс эттириш, илмий мақолалар тайёрлашга доир билимлар ва кўникмаларни шакллантириши;

талабаларга иқтисодиёт соҳасида фан, техника ва технологиянинг энг янги ютуқларига асосланган ахборот базаларини қўллай билиш, улардан магистрлик диссертациясини бажаришда фойдаланиш кўникмасини сингдириши лозим.

Илмий-педагогик ишлар:

замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан, ўқув-тарбия ишларининг интерактив усулларидан фойдаланган ҳолда педагогик фаолият маҳорати ва кўникмаларини шакллантириши;

ўқув жараёнини илмий-услубий жиҳатдан таъминлашни ташкил этиш укуви ва кўникмаларини ҳосил қилиши лозим.

Стажировка:

иқтисод таълим соҳасида илмий тадқиқот олиб бориш, назарий ва амалий билимларни чуқурлаштириш;

фан, иқтисод соҳаси ҳамда бошқа тармоқлардаги замонавий техника ва технологиялар билан таништириш;

соҳага тегишли амалий, касбий ва илмий-тадқиқот компетенцияларни шакллантириш;

касбга самарали мослашув имкониятларини таъминлаши лозим.

Стажировка икки тарафлама ва бошқа битимлар асосида хориж мамлакатлари таълим муассасалари ва илмий марказларида ҳам ўтказилиши мумкин.

Бунда стажировкага йўлланган магистратура талабаси ўқув жараёни жадвалини индивидуал график асосида бажариши кўзда тутилади.

Танлов фанлари:

Мутахассисликлар бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

5.3. *230000-Иқтисод* таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги)ўқиш шакли аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига - 36 соат қилиб белгиланиши мумкин. Қолган соатлар ҳажми мустақил таълим учун ажратилади.

Жорий, оралиқ ва якуний аттестацияларни ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурининг умумий ҳажми 2 йиллик ўқув даври учун ҳафталик ўқув юкламалардан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва фанлар дастури мазмуни олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашнинг бирламчи ва бошланғич босқичи сифатида мутахассислик бўйича чуқур фундаментал ва амалий билимлар беришни кўзда тутган ҳолда шакллантирилади.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талабалар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 25 фоизи (умумий юклама ҳажмига нисбатан) мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

Ўқишнинг норматив муддати 2 йил бўлганда ўқув жараёни 100 ҳафтани ташкил этиши зарур.

Назарий таълим ва илмий фаолият	78 ҳафта
Аттестациялар	6 ҳафта
Таътиллар	16 ҳафта
Жами	**100 ҳафта**

Таълим дастурини ўзлаштиришда бир қатор масалалар ёки интеграллаштирилган курслар муаммолари бўйича талабаларнинг мустақил таълими кўзда тутилади.

Ўқиш даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланиши зарур:

назарий таълим - 25 - 30%;
аттестация - 4 - 7%;
таътиллар - 13 - 16%;
илмий фаолият - 50 - 55%.

Илмий фаолият магистратура талабасининг якка тартибдаги календарь иш режаси асосида амалга оширилади ва қуйидагиларга бўлинади:

илмий тадқиқот иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш - 70 - 75%;
илмий-педагогик иш ва малака амалиёти - 25 - 30%.

Назарий таълим ҳажми магистратура мутахассислигига қараб қуйидаги тарзда фанлар блоклари бўйича тақсимланади:

умумметодологик фанлар - 30 - 35%;
мутахассислик фанлари - 40 - 50%;
танлов фанлари - 13 - 30%.

VI. *230000-Иқтисод* таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини баҳолаш

6.1. *230000-Иқтисод* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари профессор-ўқитувчилари таркибига қўйиладиган умумий талаблар

Бакалавриат:

Бакалавриат ўқув режаси ва фан дастурини амалга оширишда ўқитилаётган фан бўйича таянч маълумотга, билимга, малака ва кўникмага эга бўлган юқори малакали ўқитувчилар (магистр ёки дипломли мутахассислар), доцентлар, фан доктори ва профессорлар, шунингдек тажрибага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилиши керак.

Бакалавриат ўқув жараёнини ташкил этишда илмий-педагогик, илмий ёки илмий-методик фаолият билан шуғулланаётган кадрлар билан узлуксиз таъминланиши лозим.

Магистратура:

Магистратура ўқув режаси ва фан дастурини амалга оширишда ўқитилаётган фан бўйича фан номзодлари, доцентлар, фан доктори ва профессорлар, шунингдек илмий унвонга ёки даражага эга бўлган юқори малакали мутахассис ва амалиётчилар жалб этилиши керак.

Бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг ўқув режалари ва фан дастурларини амалга оширишга жалб этиладиган профессор-ўқитувчилар белгиланган тартибда малакаларини ошириб боришлари лозим.

6.2. ОТМ моддий-техник базасига қўйиладиган минимал талаблар

Бакалавр ва магистр тайёрлашнинг ўқув режалари ва фан дастурларини амалга оширувчи ОТМ ўқув дастурида назарда тутилган маъруза, амалий, лаборатория, семинар машғулотлари ҳамда курс иши (лойиҳаси), амалий ва илмий-тадқиқот ишларини бажариш учун санитария-гигиена, ёнғинга қарши қоидалар ва меъёрларга мос келадиган моддий-техника базасига эга бўлиши керак.

Бакалавриат ва магистратура ўқув режалари ва фан дастурларини амалга ошириш учун зарур бўладиган ОТМ моддий-техник базасига қўйиладиган минимал талаблар:

маъруза (оқим ёки гуруҳлар) аудиториялари билан;
амалий ва семинар машғулотлари учун аудиториялар билан;
илмий-тадқиқот ишини ўтказиш учун лаборатория хоналари билан;
ўқув машғулотларида кўргазмали материалларни намойиш қилиш учун турли хил аппаратуралар билан;
амалий машғулотлар ва лаборатория ишларини ўтказиш учун ўқув дастурига мос асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан;

илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш учун зарур лаборатория жиҳозлари билан;

интернет тармоғидан фойдаланиш учун глобал тармоққа уланган компьютер синфлари билан;

семинар машғулотларини ўтказиш ҳамда чет тилини ўрганиш бўйича лингафон синфлари билан таъминланган бўлиши керак.

6.3. *230000-Иқтисод* таълим соҳаси бўйича кадрлар тайёрлаш сифатини назорат қилиш

ички назорат ОТМ томонидан амалга оширилади. Ички назорат олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланган назоратнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низом асосида ўтказилади;

якуний давлат назорати таълим соҳасининг стандартига мувофиқ фанлар бўйича якуний давлат аттестацияси ва бакалавр учун битирув малакавий иши, магистр учун магистрлик диссертациясининг ҳимоясини ўз ичига олиб ўрнатилган тартибларда амалга оширилади;

давлат-жамоатчилик назорати олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органи, жамоат ташкилотлари ва кадрлар буюртмачилари томонидан белгиланган тартибда ўтказилади;

ташқи назорат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг фаолиятини баҳолаш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларини давлат аккредитациясидан ўтказиш тартиби тўғрисида Низомга мувофиқ тартибга солинади.

ОТМ томонидан талабалар компетентлигини баҳолаш ва назорат қилиш тизими уларнинг бўлажак касбий фаолиятига максимал яқин бўлиши учун шароитлар яратилиши керак. Бунинг учун муайян фан ўқитувчиларидан ташқари ташқи экспертлар сифатида иш берувчилар, турдош фанлардан дарс берувчилар ва бошқалар бу жараёнга фаол жалб этилиши лозим.

Эслатма

Олий таълим муассасаси:

ушбу стандартдаги талабларга риоя қилиниши;

профессор-ўқитувчилар таркиби ва ўқув–ёрдамчи ходимлар малакавий талабларга тўла мос келиши;

ҳар бир фан дастурида назарда тутилган ўқув-методик адабиётлар, ўқув-услубий мажмуалар, шунингдек, мустақил таълим ва мустақил тайёргарлик учун материаллар билан таъминланганлиги;

ўқув жараёнининг моддий-техника таъминланганлиги учун тўла масъулдир.

Олий таълим муассасасига:

ушбу стандартда назарда тутилган минимал мазмунни таъминлаган ҳолда талабанинг ҳафталик максимал юкламасини оширмасдан ўқув материалини ўзлаштиришга ажратилган соатлар ҳажмини ўқув фанлари блоклари учун 5 % оралиғида, блокга кирувчи ўқув фанлари учун 10 % оралиғида ўзгартириш;

ўқув фанлари мазмунига фан, техника ва технологияларнинг ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилади.

Давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати:

ДТС ўрнатилган тартибда тасдиқланиб, "Ўзстандарт" агентлигида давлат рўйхатидан ўтгандан кейин амал қилиш муддати **– камида 5 йил.**

Давлат бошқарувининг ваколатли органлари томонидан давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий этиш тўғрисида янги тартиб-қоидалар қабул қилинса, таълим соҳаси бўйича давлат таълим стандартининг амал қилиш муддати ўзгариши мумкин.

Библиографик маълумотлар

УДК:002: 651. 1/7 Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

Таянч сўзлар:

Давлат таълим стандарти, малака талаблари, ўқув режа, компетенция, модуль, касбий фаолият соҳаси, касбий фаолият объекти, касбий фаолият тури, амалиёт, амалиёт объекти, стажировка, иқтисодий муносабатлар, консалтинг, лойиҳа-технологик, педагогик, илмий-педагогик иш, битирув малакавий иш, магистрлик диссертацияси, баҳолаш, сифат назорати, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўқув фанлари блоки, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, профиль, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий-тадқиқот жараёнлари, ички назорат, якуний давлат назорати, давлат-жамоатчилик назорати, ташқи назорат, моддий-техник база

O'ZSTANDART AGENTLIGI
STANDARTLASHTIRISH, DAVLAT
NAZORATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA
AXBOROT TEXNOLOGIYALARINI
JORIY ETISH BOSHQARMASI

O'zDSt 36.2002 :2015

Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

ИШЛАБ ЧИҚУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш маркази

Директор _____ **проф. Б.Ҳ. Раҳимов**

2015 йил «27» март

М.Ў.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ректор _____ **М. Болтабаев**

2015 йил «23» март

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси

Ректор _____ **Э. Гадоев**

2015 йил «23» март

М.Ў.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Ректор _____ **А. Жуманов**

2015 йил «23» март

М.Ў.

Тошкент молия институти

Ректор _____ **У. Азизов**

2015 йил «23» март

М.Ў.

Тошкент давлат шарқшунослик институти

Ректор _____ **А. Маннонов**

2015 йил «__» _____

М.Ў.

Олий ҳарбий божхона институти

Бошлиқ _____ **С. Абдухалилов**

2015 йил «23» март

М.Ў.

КЕЛИШИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Олий таълим муассасалари бош бошқармаси

Бошлиқ _____ **И.У. Мажидов**

2015 йил «__» март

М.Ў.

Тошкент давлат техника университети

Ректор _____ **Р. Саидахмедов**

2015 йил «23» март

М.Ў.

Тошкент архитектура қурилиш институти

Ректор _____ **Т. Низомов**

2015 йил «__» март

М.Ў.

O'zDSt 36.2002 :2015

Тошкент автомобил-йўллар институти

Ректор _____ М. Арипджанов

2015 йил «23» март

М.Ў.

Тошкент кимё технологиялари институти

Ректор _____ С. Туробжонов

2015 йил «23» март

М.Ў.

Жиззах политехника институти

Ректор _____ Э. Салиев

2015 йил «24» март

М.Ў.

Наманган муҳандислик-педагогика институти

Ректор _____ П. Маткаримов

2015 йил «25» март

М.Ў.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ректор _____ Ғ. Кудратов

2015 йил «24» март

М.Ў.

Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти

Ректор _____ М. Расулов

2015 йил «23» март

М.Ў.

ТДИУ ҳузуридаги Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари илмий тадқиқот маркази

Директор _____ Ш. Ражаббоев

2015 йил «23» март

М.Ў.

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

Ректор _____ Қ. Жуманиязов

2015 йил «__» март

М.Ў.

Бухоро муҳандислик-технология институти

Ректор _____ У. Мухамедханов

2015 йил «24» март

М.Ў.

Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Ректор _____ Н. Махмудов

2015 йил «__» март

М.Ў.

Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти

Ректор _____ С. Ахмедов

2015 йил «24» март

М.Ў.

Фарғона политехника институти

Ректор _____ О. Отақулов

2015 йил «__» март

М.Ў.

Тошкент ирригация ва мелиорация институти

Ректор _____ М. Хамидов

2015 йил «23» март

М.Ў.

O'zDSt 36.2001 :2015

230000-Иқтисод таълим соҳасининг давлат таълим стандарти

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
ҳузуридаги Давлат тест марказида
экспертизадан ўтказилди

Бошқарма бошлиғи в.в.б. _____ **Б.Назаров**

201_ йил «22» апрель

М.Ў.

Эксперт гуруҳи аъзолари:

Ф.И.Ш.	Лавозими	Имзо
Б. Назаров	бўлим бошлиғи	
Б. Усмонов	Профессор	

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги 3-сонли Қарори асосида Тошкент давлат иқтисодиёт университети "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги 230000-Иқтисод таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандартларини турдош Олий таълим муассасалари билан

КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ

Тошкент ш. "7" апрель 2015 й

Қатнашдилар: - М.Р.Болтабаев – Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, Б.Б.Усманов – ТДИУ Ўқув ишлар бўйича проректор, К.Б.Ахмеджанов – ТДИУ Илмий ишлар бўйича проректор, Ғ.Э.Захидов – ТДИУ Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи, О.Ортиқов – ТМИ Ўқув ишлари бўйича проректор, О.Шералиев – ЖИДУ Ўқув ишлари бўйича проректор, Б.Тўхлиев – Солиқ академияси Ўқув ишлари бўйича проректори, С.Умарова – ТДШИ Ўқув бўлими бошлиғи, Т.Расулев – "Иқтисодиёт назарияси" кафедраси мудири, М.Асқарова – "Макроиқтисодиёт" кафедраси мудири, Р.Хакимов – "Саноат иқтисодиёти" кафедраси мудири, Р.Холбеков – "Бухгалтерия ҳисоби" кафедраси мудири, Б.Хасанов – "Иқтисодий таҳлил ва аудит" кафедраси мудири, Қ.Базаров – "Молия ва солиқлар" кафедраси в.в.б. мудири, Р.Тожиев – "Банк иши" кафедраси мудири, Н.Расулов – "Корпоратив бошқарув" кафедраси в.в.б. мудири, Ш.Эргашходжаева – "Маркетинг" кафедраси мудири, Д.Ахрарова – "Логистика ва инфратузилмани ривожлантириш" кафедраси в.в.б. мудири, И.Жуковская – "Иқтисодиётда ахборот тизимлари" кафедраси мудири, О.Азаматов – "Эконометрика" кафедраси в.в.б. мудири, А.Аюбжонов – "Статистика" кафедраси мудири, М.Қосимов – "Ташқи иқтисодий фаолият" кафедраси мудири, Г.Адилова – "Менежмент" кафедраси мудири, Н.Шоюсупова – "Меҳнат ва ижтимоий соҳа" кафедраси мудири, З.Шодиева – "Кадрлар менежменти" кафедраси в.в.б. мудири, О.Хамидов – "Сервис" кафедраси мудири, З.Адилова – "Туризм" кафедраси мудири, Н.Пўлатов – "Кичик бизнес ва тадбиркорлик" кафедраси мудири, М.Хакимова – "Касб таълими" кафедраси мудири.

КУН ТАРТИБИ

1. Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Ижодий ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги 3-сонли Қарори асосида Тошкент давлат иқтисодиёт университетида "Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори"даги *230000 – Иқтисод* таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандартининг мухокамаси:

Сўзга чиқди: М.Р.Болтабаев – Маълумки, олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторини таҳлил қилиш жараёнида баъзи таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг номлари ўзгартирилди. Шунинг учун мазкур йўналиш ва мутахассисликлар бўйича янги Давлат таълим стандартлари ва ўқув режалари яратиш зарурияти туғилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги "Ўзбекистон Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 199-сонли қарори, 2015 йил 10 январдаги "Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида" 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги 3-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 15 январдаги 12-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳ профессор-ўқитувчилари томонидан, "Олий таълим йўналишлари ва мутахасисликлари Классификатори"га мувофиқ 230000-Иқтисод таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандартини ишлаб чиқилаётганлиги ҳақида ахборот берди, уларни муҳокама қилиш ҳамда ушбу янгидан яратилган Давлат таълим стандарти ҳақида йиғилиш қатнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан университетда олиб борилаётган ва амалга оширилган ишлар билан танишиб чиқсак.

Эшитилди: Б.Б.Усманов – Университет ўқув-услубий бошқармаси томонидан барча кафедра мутахассисларини жалб қилган ҳолда мазкур таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандарти кўрсатилган директив ҳужжатларга асосланиб лойиҳалари қайта ишлаб чиқилди.

Таълим соҳаси Давлат таълим стандартини ишлаб чиқувчи Ишчи гуруҳ қуйидаги таркибда фаолият юритди:

1. 230 000-Иқтисод таълим соҳаси бўйича:

М.Болтабаев – Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, Ишчи гуруҳ раиси;
Б.Усманов – Ўқув ишлари бўйича проректор, раис ўринбосари;
К.Ахмеджанов – ТДИУ Илмий ишлар бўйича проректор;
Ш.Ражаббаев – ТДИУ ҳузуридаги "Ўзбекистон иқтисодиётни ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари" илмий-тадқиқот маркази директори;
О.Ортиқов – ТМИ Ўқув ишлари бўйича проректор;
О.Шералиев – ЖИДУ Ўқув ишлари бўйича проректор;
Б.Тўхлиев – Солиқ академияси Ўқув ишлари бўйича проректори;
С.Умарова – ТДШИ Ўқув бўлими бошлиғи;
Ғ.Захидов – ТДИУ Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи;
М.Ташходжаев – "Банк иши" факультети декани;
О.Рихсимбоев – "Иқтисодиётда ахборот тизимлари" факультети декани;
У.Шарифходжаев – "Иқтисодиёт" факультети декани;
Н.Шоюсупова – Меҳнат ва ижтимоий соҳа кафедраси мудири;
И.Хотамов – Ташқи иқтисодий фаолият кафедраси доценти;
Т.Расулев – Иқтисодиёт назарияси кафедраси мудири;
М.Асқарова – Макроиқтисодиёт кафедраси мудири;
Р.Хакимов – Саноат иқтисодиёти кафедраси мудири;
Ш.Эргашходжаева – Маркетинг кафедраси мудири;
Ш.Илхамов – Иқтисодий таҳлил ва аудит кафедраси доценти.

Кун тартибидаги мазкур масала бўйича йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар асосида муҳокамадан сўнг

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ишчи гуруҳлар томонидан тайёрланган *230000-Иқтисод* таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандарти илк маротаба ишлаб чиқилишида: "Таълим тўғрисида", "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги "Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги "Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида"ги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги 3-сон қарори ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган. Асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирлик, идоралараро ҳамда Иқтисодиёт вазирлигига тегишли илмий-тадқиқот институтлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг тармоқ илмий-тадқиқот институтларида экспертизадан ўтказилди.

2. Ишлаб чиқилган таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандартида турдош олий таълим муассасаларининг таклиф ва эътирозлари инобатга олинган.

3. Ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартини ўрнатилган тартибда тасдиқланиши учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш марказига топширилсин.

Мажлис раиси **М.Болтабаев**

Котиб **Ғ.Захидов**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналиши бўйича
Мувофиқлаштирувчи Кенгаш "Иқтисод" ўқув-услубий бирлашмаси йиғилишининг
9-сонли

БАЁННОМАСИ

"14" апрель 2015 йил Тошкент шаҳри

Қатнашдилар: Бирлашма раиси–М.Р.Болтабаев
Аъзолари: **Ўқув-услубий бирлашма котиби:** Ўқув-услубий бошқарма бошлиғи Ғ.Э.Захидов

Ўқув-услубий бирлашма: - ўқув-услубий бирлашма 29 нафар аъзоларидан 29 нафар, таклиф этилганлар 10 нафар.

К У Н Т А Р Т И Б И :

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 15 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги 3-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида"ги 12-сонли буйруғининг ижросини таъминлаш мақсадида Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилаётган таянч таълим соҳасининг такомиллаштирилган Давлат таълим стандартини муҳокама этиш ҳамда уни тасдиқлаш учун тавсия этиш.

Эшитилди: Ўқув-услубий бирлашма раиси М.Р.Болтабаев:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги "Ўзбекистон Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 199-сонли қарори, 2015 йил 10 январдаги "Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида" 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги 3-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 15 январдаги 12-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида ишчи гуруҳ профессор-ўқитувчилари томонидан, "Олий таълим йўналишлари ва мутахасисликлари Классификатори"га мувофиқ 230000-Иқтисод таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандартини ишлаб чиқилаётганлиги ҳақида ахборот берди, уларни муҳокама қилиш ҳамда ушбу янгидан яратилган Давлат таълим стандарти ҳақида йиғилиш қатнашчиларидан фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдиришларини сўради.

Сўзга чиқдилар: ТМИ Ўқув ишлар бўйича проректори О.Ортиқов, ЖИДУ Ўқув ишлари бўйича проректор О.Шералиев, "Маркетинг" кафедраси мудири профессор Ш.Эргашходжаева ва доцент И.Хотамовлар сўзга чиқиб, ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини билдирдилар.

Эшитилди: Университет ўқув ишлари бўйича проректор Б.Усманов:

Қуйидаги таълим соҳасининг Давлат таълим стандарти олий таълим талаблари асосида тузилган, уларда Республикамизда иқтисодиётнинг барча соҳаларини ривожлантиришда рўй бераётган иқтисодий ислоҳотлар тўлалигича ўз аксини топганлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тасдиқлаш учун тавсия этилиши мумкин.

"Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори" даги таълим соҳалари (соҳа таркиби) бўйича давлат таълим стандартларини ишлаб чиқилган давлат таълим стандартлари лойиҳаларини республикадаги асосий кадрлар буюртмачи ва истеъмолчиси бўлган вазирлик, идора, корхона ва ташкилотлар ҳамда Иқтисодиёт вазирлигига тегишли илмий-тадқиқот институтлари, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг тармоқ институтлари, турдош олий таълим муассалари билан келишилган ва "Узлуксиз таълим стандартларини стандартлаштириш бўйича техник

қўмита” экспертизасидан ўтказилиб, ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун вазирлик қошидаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалари фоалиятини мувофиқлаштирувчи кенгашга тақдим этилса бўлади.

Муҳокамага қўйилган Давлат таълим стандартини маъқуллаш ва тасдиқлаш учун тавсия этиш мумкин деб ҳисоблайман.

ЙИҒИЛИШ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Турдош олий таълим муассасалари (ОТМ) вакилларини ҳамда университет профессор-ўқитувчиларини жалб этган ҳолда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ташкил этилган Ижодий ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган “Олий таълим йўналишлари ва мутахасисликлари Классификатори”даги 230000-Иқтисод таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандарти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон Қарори меъёрлари ва Вазирлик томонидан тасдиқланган тамойиллар асосида ишлаб чиқилганлиги инобатга олинсин.

2. Таълим соҳаси бўйича ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартининг лойиҳаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун турдош олий таълим муассасаларилари ва манфаатдор вазирликлар (идоралар) ва асосий иш берувчи корхоналар, Фанлар академиясининг тармоқ илмий тардиқиқот институтларида экспертизадан ўтказилганлиги таъкидлансин (Асосий кадрлар истеъмолчиларининг малака талаблари, “Келишув баённомалари”, “Келишув далолатномалари” ҳамда мутахассислар “Тақризлари” билан расмийлаштирилган ва ДТСларига илова этилган).

3. Экспертиза натижасида мутахассислар томонидан аниқланган камчилик ва таклифлар Давлат таълим стандартининг яратилишида инобатга олинсин.

4. Ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартини ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши учун Вазирлик ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими йўналишлари бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш муҳокамасига тақдим этилсин.

Бирлашма раиси **М.Р.Болтабаев**

Бирлашма котиби **Ғ.Э.Захидов**

230 000 – Иқтисод **таълим соҳасининг Давлат таълим стандартига**

ТАҚРИЗ

230 000 – Иқтисод таълим соҳаси бўйича билим олишни йўлга қўйишда Давлат таълим стандарт(ДТС)лари такомиллаштирилган вариантда тайёрланиши Республика иқтисодиётининг барча секторлари учун малакали кадрларни тайёрлашда олиб борилаётган чора-тадбирларни муҳим йўналиши ҳисобланади.

Ушбу ДТСда хорижий иқтисодий ўқув юртларининг тажрибаси, хусусан бакалавриат талабаларининг илмий-тадқиқот ишларига жалб этилишидан фойдаланилиб, давлат таълим стандарти лойиҳасида (олдинги авлод стандартидагидек) ушбу жиҳатлар инобатга олинган. Шунингдек, ДТСда янги касбий фаолият турлари – ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ва халқаро иқтисодий фаолиятлари қўшилган.

230 000 – Иқтисод таълим соҳаси талабаларининг таълим олишлари учун зарур ҳамда бугунги кунда иқтисодий соҳада долзарб бўлган билим, малака ва кўникмалар таркиби ишлаб чиқаришда фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг фикр мулоҳазалари асосида қайтадан кўриб чиқилган ва ишлаб чиқилган.

Такомиллаштирилган ДТС талабларида *230000 – Иқтисод* таълим соҳасида ўқишнинг меъёрий муддати, касбий фаолият соҳаси ва объектлари, касбий фаолият турлари ва мослашуви ва таълимни давом эттириш имкониятлари ҳақида батафсил маълумотлар келтирилган. Умумий малакавий талабларда касбий ва ихтисослик бўйича бериладиган билимларга кўникмалар ҳосил қилишга мўлжалланган талаблар ёритилган.

Таълим соҳаси учун тайёрланган ДТСни қўйилган талабларга жавоб беришини эътиборга олган ҳолда ҳужжат сифатида қабул қилиш мумкин деб ҳисоблайман.

ТМИ Ўқув ишлари бўйича проректори **О.А.Ортиқов**

230 000 – Иқтисод **таълим соҳаси Давлат таълим стандартига**

ТАҚРИЗ

230 000 – Иқтисод таълим соҳаси билим олишни йўлга қўйишни таъминлайдиган Давлат таълим стандартлари такомиллаштирилган вариантда тайёрланиши Республикамизда иқтисодиётнинг барча секторлари учун малакали кадрларни тайёрлаш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирларни муҳим йўналиши ҳисобланади.

ДТС хорижий иқтисодий ўқув юртларида бакалавриат талабалари илмий-тадқиқот ишларига жалб этилишини инобатга олиб, давлат таълим стандарти лойиҳасида (олдинги авлод стандартидагидек) илмий-тадқиқот фаолияти ҳам мўлжалланган. Бундан ташқари, янги касбий фаолият турлари – ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ва халқаро иқтисодий фаолиятлари қўшилган.

ДТС дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари ҳисобга олинган.

Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютиқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жахон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат талим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштирилган ҳамда уларни узвийлиги таъминланган.

ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон
иқтисодиётни ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари”
илмий-тадқиқот маркази директори **Ш.Р.Ражаббаев**

230 000 – Иқтисод таълим соҳасига кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйиладиган умумий малака талаблар

1. *230000 – Иқтисод* таълим соҳаси бакалавриат таълим йўналишлари битирувчилари касбий фаолиятининг асосий турларига кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйиладиган умумий малака талаблар

230000 – Иқтисод таълим соҳаси бакалавриат йўналишлари битирувчиларига умумий малака талаблар уларнинг иш жойи ва ишлаб чиқаришда бажарадиган топшириқларининг характери билан белгиланади ҳамда зарурий билим, кўникма ва малакага асосланган касбий билимдонликнинг мавжудлигидан иборат.

Таълим соҳаси йўналишлари бўйича бакалаврларнинг касбий билимдонлиги қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

- тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- фаолият натижаларини таҳлил ва синтез қилиш, ташкил этиш ва режалаштириш, баҳолаш, фундаментал, умумкасбий ва амалий билимлардан фойдаланиш қобилияти ва уларга тайёргарлик;
- муаммоларни ҳал этишга ва қарор қабул қилишга тайёргарлик, билимларни амалиётда қўллаш, иш самарадорлиги ва сифатига жавобгарлик;
- мустақил ишлаш қобилияти, иш жараёнларини идентификациялаш ва моделлаштириш, бошқариш ва сифатини яхшилаш учун билим ва маҳоратдан фойдаланиш;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланади.

230000 – Иқтисод таълим соҳасига кирган таълим йўналишлари бакалаврларига умумий малака талаблар ҳам тегишли таълим йўналишларининг молиявий-иқтисодий, ҳисоб, таҳлил ва назорат, ташкилий-бошқарув, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, халқаро иқтисодий, илмий тадқиқот, педагогик соҳаларидаги масалаларни ҳал этиш қобилияти ва уларга тайёргарликни назоратда тутади.

2. *230000 – Иқтисод* таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари битирувчилари касбий фаолиятининг асосий турларига кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйиладиган умумий малака талаблар

230000 – Иқтисод таълим соҳаси магистратура мутахассисликлари битирувчиларига умумий малака талаблар уларнинг иш жойи ва ишлаб чиқаришда бажарадиган топшириқларининг характери билан белгиланади ҳамда зарурий билим, кўникма ва малакага асосланган касбий компетентликнинг мавжудлигидан иборат.

Таълим соҳаси магистратура мутахассисликларининг касбий компетентлиги қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

• замонавий ахборот тизимларидан фойдаланиладиган педагогик технологиялар ва интерактив таълим усулларини эгаллаган бўлиши лозим;

• илмий тадқиқот ишларини мустақил бажариши, уларнинг натижаларини умумлаштириши, илмий ишларни ишлаб чиқаришга тадбиқ этиши, ОТМ ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасалрда педагогик фаолият юритиши, ўз ишида инновацион ғоялардан фойдаланиши, илмий-тадқиқот характеридаги билимларни амалга тадбиқ қилиши;

• хорижий тиллардан бирида илмий-тадқиқот ишлар моҳиятини тушиниш;

• фаолият натижаларини таҳлил ва синтез қилиши, ташкиллаштириши ва режалаштириши, баҳолаш, фундаментал, умумкасбий ва махсус чуқурлашган билимлардан фойдаланиши, қимматли-мантиқий йўналтириш қобилияти ва унга тайёрлик;

• муаммоларни ҳал этишга ва қарор қабул қилишга тайёргарлик, билимларни амалиётда қўллаш, иш самарадорлиги ва сифатига жавобгарлик, қарор қабул қилишда баъзан таваккалчиликка бориш;

• мустақил ишлаш қобилияти, иш жараёнларини идентификациялаш ва моделлаштириш, бошқариш ва сифатини яхшилаш учун билим ва маҳоратдан фойдаланиш, янги ғояларни илгари суриш, жамоа ишини ташкил этиш.

230000 - Иқтисод таълим соҳаси магистратура мутахассисликларига умумий малака талаблар ҳам тегишли магистратура мутахассисликларининг молиявий-иқтисодий, ҳисоб, таҳлил ва назорат, ташкилий-бошқарув, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, халқаро иқтисодий, илмий тадқиқот, педагогик фаолиятларида малакаларини ҳал этиш қобилиятини ва уларга тайёргарликни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Раис ўринбосари _____ Б.А.Бегалов

2015 йил «___» _____
М.Ў.

ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётни ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази

Директор _____ Ш.Р.Ражаббаев

2015 йил «___» _____
М.Ў.

230 000 – Иқтисод таълим соҳаси Давлат таълим стандартини ишлаб чиқаришда олий маълумотли кадрлар тайёрлашнинг хорижий тажрибалардан фойдаланилганлиги ҳақида

МАЪЛУМОТНОМА

Ушбу таълим соҳасини давлат стандарти лойиҳасини ишлаб чиқаришда АҚШ, Буюкбритания, Германия, Италия, Япония, Хитой ва бошқа хорижий мамлакатлар олий ўқув юртларида иқтисодиёт соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тажрибасидан фойдаланилди.

Бу ДТС лойиҳасини ишлаб чиқишда хорижий мамлакатлардаги иқтисодиёт соҳаси учун кадрлар тайёрлаш вақтининг кўп қисми малака амалиётини ўтказишга ажратилганлиги ҳисобга олинган. Шундан келиб чиқиб, стандартнинг янги лойихасида бакалавриат талабаларининг малака амалиётларини ўтказиш муддатини 19 ҳафтагача ошириш мўлжалланди.

Иқтисодиётнинг реал сектори учун кадрлар тайёрловчи хорижий университетларнинг кўпида бакалавриат талабаларининг ўқиш муддати 4 йил деб, магистратура талабаларники 2 йил деб белгиланганлигини ҳисобга олиб, стандарт лойиҳасида олдинги ўқиш муддатларига мувофиқ равишда 4 ва 2 йил деб қолдирилди.

Хорижий иқтисодий ўқув юртларида бакалавриат талабалари илмий-тадқиқот ишларига жалб этилишини инобатга олиб, давлат таьлим стандарти лойиҳасида (олдинги авлод стандартидагидек) илмий-тадқиқот фаолияти ҳам мўлжалланган. Бундан ташқари, янги касбий фаолият турлари – ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ва халқаро иқтисодий фаолиятлари қўшилган.

Илғор хорижий мамлакатлардаги иқтисодий олий таьлим муассасаларида ўқитиладиган фанлар номини ҳисобга олиб, ДТС лойиҳасида фан блоклари таркибининг баёни янгиланди.

Хорижий мамлакатларда таълим талабаларга келгуси ишлари хусусиятидан келиб чиқиб, уларнинг танлови бўйича фан ўрганиш имкониятини бериш, яъни таълимни демократлаштиришни назарда

тутишини эътиборга олиб, ушбу ДТС лойиҳасида танлов фанлари ҳажми олдинги авлод ДТС га нисбатан оширилган.

Иқтисодиёт соҳаси бўйича илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрлашда хорижий тажрибадан кенг фойдаланиш мақсадида ушбу ДТС лойиҳасида магистратура талабалари учун мамлакатимиз ҳамда хорижий илмий ва таьлим муассасаларида стажировка ўтказилиши мўлжалланган.

ТДИУ Ўқув ишлар бўйича проректор **Б.Б.Усманов**

***230 000 – Иқтисод* таълим соҳаси бўйича**
Давлат таълим стандартининг ишлаб чиқилишига
ТУШУНТИРИШ ХАТИ

230 000 – Иқтисод таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда қуйидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланилди:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги "Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги 3-сонли Қарори;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 15 январдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 3-сонли Қарори ижросини таъминлаш тўғрисида"ги 12-сонли буйруғи;

Фойдаланилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилган стандартнинг 1.1.-бандида батафсил келтирилган;

Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда таълим соҳасининг бакалавриат ва магистратура битирувчиларига кадрлар истеъмолчилар томонидан кўрсатилган малака талаблари ҳисобга олинган;

Олдинги авлод таълим стандарти билан қиёслаганда янги стандарт бўйича бакалавриатда "Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар" блокнинг ҳажми 23%дан 15-20%га қисқарди, "Математик ва табиий-илмий фанлар" блокнинг ҳажми 14%дан 20-25%гача, "Ихтисослик фанлар" блокнинг ҳажми 9-10%дан 10-15%гача кўпайди. Шу билан бирга бакалавриатда малака амалиёти муддатлари 13 ҳафтадан 16 ҳафтага ошди;

Ушбу стандарт "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"нинг мақсади ва вазифаларининг, шунингдек таълим-тарбияга йўналтирилган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармон ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорларини мукаммал амалга оширилишига қаратилган;

ДТС дастурида миллий мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умуминсоний қадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди;

ДТС асосида таълим олувчиларда чуқур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади;

Ушбу стандарт халқаро тажриба, техника, технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуқлари иқтисодий устуворлик шароитида

кадрларга нисбатан ишлаб чиқариш ва амалиётда қўйиладиган талабларни ҳисобга олган ҳолда илмий асосланади;

Таълим соҳаси турлари ва босқичлари бўйича стандарт шахснинг ҳар томонлама ривожланишини ҳисобга олган ҳолда келишув ва изчилликнинг мужассамлигини таъминлашга қаратилди;

Ўқув юкламасининг оддийдан мураккабга қараб тузилишига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига кўра таълимни табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди;

Таълим олувчилар ва битирувчиларни тайёрлаш, таълим фаолияти сифатини баҳолаш мезонлари ва тартибларининг белгиланган меъёрий-қоидаларга мослигига эришилди;

Стандартнинг қулайлиги – унинг бажарилишини назорат қилиш, меъёр ва талаблари бузилишининг олдини олиш имкониятлари инобатга олинган бўлиб, таълим соҳаси ДТСни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди;

230 000 – Иқтисод таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандартига тажрибада текширувдан ўтган таълим ҳамда ишлаб чиқариш амалий фаолиятларининг илғор меъёрлари киритилди;

230 000 – Иқтисод таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандарти Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими қоидалари талабларини тўлиқ қониқтиради.

Давлат таълим стандартини ишлаб чиқишда мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг истиқболлари, жамият эҳтиёжи, фан, техника, технология ва маданият ютиқлари, кадрлар тайёрлаш борасида жаҳон тенденцияларидан келиб чиқиб, иқтисодиёт соҳаларининг модернизациялашув шароитида кадрлар истеъмолчиларининг талабларини олий таълим мазмунига тезкор жорий этишига тегишли шароитлар яратиш, олий таълим давлат таълим стандартларини халқаро амалиётдаги академик стандартлар билан уйғунлаштирилди ҳамда уларни узвийлиги таъминланди.

ТДИУ Ўқув ишлар бўйича проректори **Б.Б.Усманов**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети 230 000-Иқтисод таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандартининг ишлаб чиқарувчилар ва асосий кадрлар истеъмолчилари ўртасида

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш. “_____” _____201__й.

Биз қуйида имзо қўювчилар – Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси Д.А.Ҳидоятов, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси ўринбосари Б.А.Бегалов, Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни мухофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий маркази директори Ш.Д.Кудбиев, ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётни ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази директори Ш.Р.Ражаббаев ва ТДИУ Ўқув ишлари бўйича проректори Б.Б.Усманов Тошкент давлат иқтисодиёт университетида олий ва ўрта махсус, касб ҳунар таълимини ривожлантириш маркази ва профессор-ўқитувчилар билан биргаликда “Олий таълим йўналишлари ва мутахасисликлари Классификатор”га мувофиқ 230000-Иқтисод таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандарти ишлаб чиқилаётганлиги ҳақида ахборот берди, уни муҳокама қилиш ҳамда ушбу ишлаб чиқилган Давлат таълим стандарти мазмуни билан таништириб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

1. 230000 - Иқтисод

Юқоридаги бакалавриат таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандартининг ишлаб чиқилишида кадрлар истеъмолчилари: Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни мухофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий маркази, ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётни ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган.

Таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандартининг ишлаб чиқилишида: “Таълим тўғрисида”, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги

3-сон қарорига ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Таълим соҳаси бўйича Давлат таълим стандарти бакавлариат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурлари ҳамда бошқа ҳужжатларни яратиш учун асос ҳисобланади.

Ишлаб чиқилган Давлат таълим стандартини ўрнатилган тартибда тасдиққа тавсия этилиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси
хусусийлаштириш, монополиядан
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси Д.А.Ҳидоятов

Ўзбекистон Республикаси Давлат
статистика қўмитаси раиси ўринбосари Б.А.Бегалов

Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни
мухофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш илмий маркази
директори Ш.Д.Кудбиев

ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон
иқтисодиётни ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари”
илмий-тадқиқот маркази директори Ш.Р.Ражаббаев

ТДИУ Ўқув ишлари бўйича проректори Б.Б.Усманов

ТАСДИҚЛАЙМАН:
Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг
биринчи ўринбосари, "Узлуксиз таълим
тизими стандартлари"ни стандартлаштириш
бўйича техник қўмита раиси

201__ йил "___" _____

O'z DSt ___:201__ *"230000-Иқтисод"* таълим соҳасининг давлат таълим стандарти лойиҳасини "Узлуксиз таълим тизими стандартлари"ни стандартлаштириш бўйича техник қўмитада техник экспертизадан ўтказиш бўйича
Хулоса

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ва Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2014 йил 23 майдаги "Узлуксиз таълим тизими стандартларини стандартлаштириш бўйича техник қўмитанинг Низоми ва таркибини қайта тасдиқлаш тўғрисида"ги 10ққ/31ққ/36/1-қ-сонли қўшма қарорига асосан тайёрланган **O'z DSt ___:201__*"230000-Иқтисод"*** таълим соҳасининг давлат таълим стандарти лойиҳаси "Ўзстандарт" агентлиги билан келишилган шакл асосида техник экспертизадан ўтказилди.

O'z DSt ___:201__*"230000-Иқтисод"* таълим соҳасининг давлат таълим стандарти лойиҳаси Республикадаги кадрлар тайёрловчилари ва истеъмолчилари билан ўзаро келишилган.

Техник экспертизадан ўтказилган **O'z DSt ___:201__*"230000-Иқтисод"*** таълим соҳасининг давлат таълим стандарти лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига, стандартлаштириш Давлат тизими, ўлчов бирликларини таъминлаш Давлат тизими, сертификатлаштиришнинг миллий тизими, стандартлаштиришнинг тармоқлараро тизими талабларига мос келади ва "Ўзстандарт" агентлигида Давлат рўйхатидан ўтказишга тавсия этилади.

Техник қўмита раиси ўринбосари **З.Ахмедов**

Техник қўмита масъул котиби **А.Ходжаев**

Олий таълим стандартларини стандартлаштириш бўйича кичик қўмита котиби **А.Умаров**

Ишчи гуруҳ: **Б.Назаров**

Б.Усмонов

С.Умаров

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«Ўзстандарт» агентлиги
«Axborot-ma'lumot markazi» ДК
Директори
_____ Д.Ю. Каттаходжаев
«28» 10 2015 йил

ХУЛОСА № 1685/809

O`zDSt :201__ Иқтисод - 230000 давлат таълим стандарти

Ўзбекистон Республикаси Олий ва махсус таълим Вазирлиги
18.05.2015 йилдаги 89-04-501-сонли хати асосида ўтказилган

Меъёрий ҳужжатларни экспертиза қилиш бўлими томонидан амалга оширилган ишлар натижасида O`zDSt :201_ Иқтисод - 230000 таълим соҳасининг давлат таълим стандарти меъёрий ҳужжати асос бўлувчи меъёрий ҳужжатлар ва Ўзбекистон Республикаси қонунлари талабларига мувофиқ келади.

МҲ экспертизаси бўлими
бошлиғи в.б С.С. Хонбобоев

1-тоифали мутахассис А.Х.Рахматов